Моя профессиональная карьера

INTERNATIONAL STANDARD SERIAL NUMBER
ISSN 2782-4365
Проверить номер:

Научно-образовательный электронный журнал

# ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ

Выпуск №61-1 (том 1)
(апрель, 2025)

Google Scholar
Проверить индексацию статьи. Сайт: mpcareer.ru/google

Свидетельство
о регистрации СМИ
№ЭЛ ФС 77-77927
от 19.02.2020 г.

РОСКОМНАДЗОР

Периодичность выпуска: 1 раз в неделю
Сайт: mpcareer.ru/oinv21veke. Почта: obrmpcareer@mail.ru

Международный научно-образовательный

электронный журнал

«ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ»

ISSN 2782-4365

УДК 37

ББК 94

**Международный научно-образовательный электронный журнал «ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ». Выпуск №61-1 (том 1) (апрель, 2025). Дата выхода в свет: 07.04.2025.**

Сборник содержит научные статьи отечественных и зарубежных авторов по экономическим, техническим, философским, юридическим и другим наукам.

Миссия научно-образовательного электронного журнала «ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ» состоит в поддержке интереса читателей к оригинальным исследованиям и инновационным подходам в различных тематических направлениях, которые способствуют распространению лучшей отечественной и зарубежной практики в интернет пространстве.

Целевая аудитория журнала охватывает работников сферы образования (воспитателей, педагогов, учителей, руководителей кружков) и школьников, интересующихся вопросами, освещаемыми в журнале.

Материалы публикуются в авторской редакции. За соблюдение законов об интеллектуальной собственности и за содержание статей ответственность несут авторы статей. Мнение редакции может не совпадать с мнением авторов статей. При использовании и заимствовании материалов ссылка на издание обязательна.

© ООО «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА»

© Коллектив авторов

## РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Пестерев С.В. – гл. редактор, отв. за выпуск

| | |
|---|---|
| Абдурасулов Абдуллажон Абдукаримович | доктор философии педагогических наук |
| Азамов Жасурбек Муродович | доктор философии в области юриспруденции |
| Артикова Мухайохон Ботиралиевна | доктор педагогических наук, доцент |
| Ахмедов Ботиржон Равшанович | доктор философии в филолог. науках (PhD), доцент |
| Батурин Сергей Петрович | кандидат исторических наук, доцент |
| Бекжанова Айнура Мархабаевна | доктор философии по педагог. наукам (PhD), доцент |
| Бекжанова Гулнара Маркабаевна | кандидат медицинских наук, преподаватель |
| Боброва Людмила Владимировна | кандидат технических наук, доцент |
| Богданова Татьяна Владимировна | кандидат филологических наук, доцент |
| Ботиров Аминжон Розимбоевич | кандидат биологических наук, доцент |
| Демьянова Людмила Михайловна | кандидат медицинских наук, доцент |
| Еремеева Людмила Эмировна | кандидат технических наук, доцент |
| Жуманова Фатима Ураловна | кандидат педагогических наук, доцент |
| Засядько Константин Иванович | доктор медицинских наук, профессор |
| Исломова Саидахон Тургуновна | доктор философии по техническим наукам (PhD), доцент |
| Кабулова Мехрибан Толыбаевна | доктор философии по педагог. наукам (PhD) |
| Казакова Раъно Машрабаевна | доктор философии по филологическим наукам (PhD) |
| Кодиров Хасанбой Орибжонович | доктор философии педагогических наук |
| Колесников Олег Михайлович | кандидат физико-математических наук, доцент |
| Коробейникова Екатерина Викторовна | кандидат экономических наук, доцент |
| Ланцева Татьяна Георгиевна | кандидат экономических наук, доцент |
| Мухамедова Лола Джураевна | доктор философии по филологическим наукам (PhD) |
| Нарзикулова Фируза Ботировна | доктор психологических наук |
| Нобель Артем Робертович | кандидат юридических наук, доцент |
| Ноздрина Наталья Александровна | кандидат педагогических наук, доцент |
| Нуржанов Сабит Узакбаевич | доктор историч. наук (dsc), старший научный сотрудник |
| Олтаев Шавкат Собирович | кандидат экономических наук, доцент |
| Павлов Евгений Владимирович | кандидат исторических наук, доцент |
| Петрова Юлия Валентиновна | кандидат биологических наук, доцент |
| Попов Сергей Викторович | доктор юридических наук, профессор |
| Расулходжаева Мадина Ахмаджоновна | доктор философии по педагог. наукам (PhD), доцент |

| | |
|---|---|
| Рахматова Фотима Ганиевна | доктор философии по педагог. наукам (PhD), доцент |
| Рахмонов Азизхон Боситхонови | доктор педагогических наук, доцент |
| Таспанова Айзада Кенжебаевна | доктор философии (PhD) по экономическим наукам |
| Таспанова Жыгагул Кенжебаевна | доктор философии по педагог. наукам (PhD), доцент |
| Табашникова Ольга Львовна | кандидат экономических наук, доцент |
| Тўрабоева Мадинахон Рахмонжон қизи | кандидат педагогических наук, доцент |
| Тюрин Александр Николаевич | кандидат географических наук, доцент |
| Уразова Лариса Карамовна | кандидат исторических наук, доцент |
| Усубалиева Айнура Абдыжапаровна | кандидат социологических наук, доцент |
| Утегенова Жамила Джолмурзаевна | доктор философии по эконом. наукам, доцент |
| Фаттахова Ольга Михайловна | кандидат технических наук, доцент |
| Ширинов Отабек Тувалович | доктор психологических наук (PhD) |
| Хамдамова Ситора Сафаровна | Доктор философии в области философских наук, доцент |
| Ханбабаев Хакимжан Икрамович | доктор педагогических наук (DSc) |
| Худайкулов Хол Джумаевич | доктор педагогических наук, профессор |
| Худойбердиева Хурият Каримбердиевна | доктор философии (PhD) в социальной философии |
| Ширинов Отабек Тувалович | доктор психологических наук (PhD) |
| Эшназаров Журакул | кандидат педагогических наук, профессор |
| Эшназарова Фарида Журакуловна | доктор философии по философии (PhD) |
| Юнусова Бахора Ахтамжоновна | кандидат филологических наук, ассистент |
| Яхяева Сожида Абдурахимовна | доктор философии (PhD) в социальной философии |

| | |
|---|---|
| Алмазова Гульшат<br>ТЕОРИЯ ИГР: МАТЕМАТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ СТРАТЕГИЧЕСКОГО ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ И ЕГО ПРИЛОЖЕНИЯ | 274 |
| Ходжиев Руслан<br>ВЛИЯНИЕ ФИЗИЧЕСКИХ УПРАЖНЕНИЙ НА ОРГАНИЗМ ЧЕЛОВЕКА | 280 |
| Олтаев Ш.С.<br>МОЛИЯ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ | 284 |
| Олтаев Ш.С.<br>ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МОЛИЯ БОЗОРИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ | 289 |
| Олтаев Ш.С.<br>ХАЛҚАРО МОЛИЯ ИНСТИТУТЛАРИ ВА МИЛЛИЙ МОЛИЯ ИНСТИТУТЛАР ЎРТАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ЖИҲАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ | 295 |
| Олтаев Ш.С.<br>МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МОЛИЯВИЙ ИНСТИТУТЛАРНИНГ ЎРНИ | 301 |
| Олтаев Ш.С.<br>АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ КАПИТАЛ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ - ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА | 306 |
| Федине Оксана<br>НАУКА - УСПЕХ ПРОГРЕССА | 311 |
| Атаев Керим, Баджыков Эмин, Бегенджов Кервен<br>ОСОБЕННОСТИ ВНЕДРЕНИЯ ФИНАНСОВОГО МЕНЕДЖМЕНТА НА КОММЕРЧЕСКИХ ПРЕДПРИЯТИЯХ | 315 |
| Гурбанов С., Бегназаров Ибрагим, Бердымурадов Мердан<br>ЭЛЕКТРОННЫЕ ДЕНЬГИ КАК ИНСТРУМЕНТ ФИНАНСОВОГО УПРАВЛЕНИЯ | 319 |
| Кушлыев Сохбет, Джумагулиева Джерен, Элясова Акпамык<br>ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ПЕРЕРАБОТКИ ОТХОДОВ ПОЛИМЕРНЫХ МАТЕРИАЛОВ | 323 |
| Гурбанов Ибрагим, Шихиева Огултувак, Муратджанов Максат<br>БЕРЕЖНОЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ПРИРОДНЫХ ИСТОЧНИКОВ ВОДЫ | 328 |
| Эркаева Айман, Атагельдиева Айна, Аширова Огулджан, Ходжабаев Арзув<br>УКРАШЕННЫЙ ЧИБИС | 333 |

Большое значение физических упражнений заключается в том, что они повышают устойчивость организма по отношению к действию целого ряда различных неблагоприятных факторов. Пониженное атмосферное давление, перегревание, некоторые яды, радиация и др. Физические упражнения способствуют сохранению бодрости и жизнерадостности.

**ФИО автора(-ов):** *Олтаев Ш.С.* – СамИСИ доценти, и.ф.н.
**Название публикации:** «МОЛИЯ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ»

Бугунги жаҳон иқтисодиёти глобал рақобатга асосланган. Ҳеч бир миллий иқтисодиёт ўзини-ўзи таъминлаш орқали ривожлана олмайди. Шунингдек, жаҳондаги тенденция кўрсатмоқдаки, хорижий фонд биржаларида молиявий инструментларнинг юзлаб турлари амал қилмоқда. Капитал бозорини янада ривожлантириш, корхоналарни фонд бозори орқали хусусийлаштириш амалиётини кенгайтириш, аҳолининг қимматли қоғозларга инвестиция киритишини рағбатлантириш ва молия бозорида соғлом рақобат муҳитини яратиш мамлакатимиз равнақи йўлидаги долзарб масалалардан бирига айланган.

Жаҳон амалиётида мамлакатларнинг инвестицияларга бўлган талабларини рағбатлантириш, инвестициялар ресурс базасини кенгайтириш, хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг молиявий механизмларини такомиллаштириш, қулай инвестицион муҳитнинг яратилиши натижасида инвестициялар ҳажмини кўпайтириш, ҳудудларда инвестиция фаоллигини ошириш масалаларига бағишланган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада миллий иқтисодиёт ва алоҳида олинган минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ишлаб чиқаришни тўлақонли ташкил қилиш негизида мавжуд ресурслардан унумли фойдаланиш, иқтисодиётда инвестицион фаолликни белгиловчи қўшимча омил ва имкониятларни аниқлаш, инновацион фаолликни рағбатлантириш ва тадбиркорлик фаолиятида инвестицион таваккалчиликни бошқариш механизмларини такомиллаштириш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда молия бозорини такомиллаштириш орқали инвестиция фаоллигини ошириш йўллари ҳамда мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш йўллари борасида маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан кўплаб илмий изланишлар олиб борилган ҳамда тадқиқ этилган. Хусусан, хорижлик иқтисодчилар Д.Б.Крутскихнинг фикрига кўра,

“инвестицион фаоллик иқтисодий категория сифатида инвестициялар таркибининг ўсиши ва такомиллаштирилишини, уларни қўлллашнинг истиқболли йўналишларини кенгайтиришни ва ижтимоий- иқтисодий ривожланишнинг асосий параметрларини яхшилашни таъминлайдиган иқтисодий ва ташкилий муносабатлар мажмуидир”.

Иқтисодчи олим М.В Маркусенконинг фикрича, корхонанинг инвестицион фаоллиги кенгроқ тушунчадир. Бу корхона фаолиятининг шундай ўзига хос хусусияти бўлиб, у хўжалик юритувчи субъектнинг нафақат иқтисодий барқарорлигини, муҳим ривожланиш салоҳиятига эга эканлигини, балки самарали инвестиция қилинадиган бўш маблағларнинг катта миқдорига эга эканлигини кўрсатади.

Л.Н.Салимовнинг эътироф этишича эса “... кенг маънода инвестицион фаоллик - бу бир томондан, инвестицион имкониятларнинг, иккинчи томондан, инвестиция фаолиятининг берилган якуний мақсадига эришиш эҳтимоли даражасининг мураккаб динамик ўзаро таъсирининг ҳақиқий натижасидир”.

Ивестицион фаоллик қуйидагиларни ўз ичига олади: инвестиция капиталини концентрациялаш ва тақсимлаш, ишлаб чиқариш фаолиятини интеграциялаш, тўғридан-тўғри ва портфелли инвестицияларини ривожлантириш, инвестиция дастурларини амалга оширишнинг ташкилий омиллари ва янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишни фаоллаштириш. Ўрганишлар жараёнида ивестицион фаолликни тавсифловчи кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрда тасдиқланган “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида” ги ЎРҚ—598 - сон қонуннинг 34- моддасида инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан қўллаб- қувватлаш бўйича имтиёз ҳамда преференциялар бериш кўзда тутилган. Инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун қўлланиладиган имтиёз ҳамда преференциялар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин: давлат мулки бўлган объектларни ёки уларга бўлган мулкий ҳуқуқларни имтиёзли ёки нолга тенг харид қиймати

бўйича инвесторга бериш; солиқлар ва тўловлар бўйича имтиёзлар бериш; инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун инвестор томонидан олинадиган кредитлар бўйича фоиз ставкаларини субсидиялаш. Имтиёзлар ва преференциялар қуйидагиларга қараб берилади: инвестициялар ҳажмига; инвестиция лойиҳаси амалга ошириладиган жойнинг шарт-шароитларига; кутилаётган ижтимоий-иқтисодий самарага ва янги иш ўринларини яратишга; инвестиция лойиҳасини амалга ошириш соҳалари ва тармоқларига. Инвестицияларни миқдорини, айниқса тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ҳажмини ошиши мамлакатда иқтисодий ўсишни янада жадаллаштиради. Бу эса 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам инвестицияларни иқтисодиётимизга жалб қилиш бўйича белгиланган вазифаларни бажаришга асос бўлади.

Молия бозорини такомиллаштириш орқали инвестиция фаоллигини ошириш йўллари юзасидан олиб борилган изланишлар бўйича қуйидаги хулосалар шакллантирилди.

1. Жаҳон амалиётидан келиб чиқсак, фонд бозори таркибида давлат облигациялари (давлат томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар) бошқа турдаги қимматли қоғозлар учун пойдевор вазифасини ўтайди. Давлат облигацияларининг даромад ставкалари ўз навбатида хавфсиз (рисксиз) инвестициялар баҳосини кўрсатади. Агар биз давлат қимматли қоғозлари бозори ликвидлилигини ва барча турдаги инвесторлар учун очиқлигини таъминлаб беролмас эканмиз, бошқа муваффақиятлар ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Бошқача қилиб айтганда, агар биз давлат қимматли қоғозларини ликвидли иккиламчи бозорга олиб чиқолмасак, маҳаллий фуқароларга ва хорижий инвесторларга тўғри бозор нархларида эркин савдо қилиш имкониятини яратиб беролмасак, биз ҳақиқий бозор механизмларига асосланган капитал бозорини ярата олмаймиз.

2. Республика банклари давлат облигацияларини сотиб олишса, яъни ушбу қимматли қоғозларга сармоя киритишса, бу маблағлар мажбурий резервга жойлаштирилган нақд пул сифатида қабул қилинади. Бошқача қилиб айтганда,

мамлакатимиз тижорат банклари Марказий банкда очилган коррҳисобда мажбурий резерв сифатида нақд пул ушлаб туриш ўрнига давлат облигациялари сотиб олишлари мумкин. Бу механизм республика Марказий банки ва Молия вазирлиги томонидан киритилган. Мазкур коррҳисобларда нақд пул ушлаб туриш жуда кам фоиз ставкаларида даромад келтиришини ҳисобга олсак, табиийки, тижорат банклари учун бу механизмнинг афзаллик томонлари яққол кўриниб турибди. Бу амалиёт мамлакат фонд бозорини “нотўғри” шаклда ёки услубда ишлашига олиб келмоқда.

3. Инвестицион фаоллик фақат минтақанинг инвестицион жозибадорлигига боғлиқ бўлган натижа сифатида кўриб чиқилади. Бизнинг фикримизча, реал амалиётда тескари муносабатлар ҳам мавжуд: юқори инвестицион фаоллик, бошқа нарсалар қатори, кўламнинг кенгайиши ва инвестиция фаолиятининг янги йўналишларининг пайдо бўлиши, унинг самарадорлигини оширишда намоён бўлади, инвестиция салоҳиятини янгилашда муҳим омил ҳисобланади. Минтақанинг инвестиция фаоллиги мамлакатнинг маълум бир ҳудудига хос бўлган макро ва мезо ҳамда микроиқтисодий даражадаги кўплаб омиллар таъсири остида ўзгарган объектив хусусият сифатида ишлайди. Инвестицион фаолликнинг ушбу детерминантлари иқтисодий, ижтимоий, институционал хусусиятларга эга бўлиб ҳисобланади.

**Фойдаланилган адабиётлар**


1. Пардаев М.Қ., Олтаев Ш.С., Пардаева О.М., Тагирова Н.Б. Ҳар бир оилада тадбиркорлик–ўзини-ўзи банд қилиш имконияти. Амалий тавсия. Самарқанд, 2018. СамИСИ, 240

2. Oltayev Sh.S. Innovative Ways of Implementing Digital Transformation in the Educational System. Middle European Scientific Bulletin, 2024, 44, 38-43

3. Oltayev Sh.S. Quality of Education In Higher Education Institutions of Our Country and Innovative Directions of Increasing Competitiveness. Miasto Przyszłości, 2023, 42, 253–256